# ВЕЛОСПОРТЧИ ДМИТРИЙ БОЧАРОВ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ УЧУН ПАРИЖ-2024 ОЛИМПИЯ ВА ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА 20-ЙЎЛЛАНМАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ!

Олтиариқлик велоспортчи Дмитрий Бочаров Париж-2024 Олимпия ўйинларининг шоссе бўйича яккалик мусобақаларига йўлланмани қўлга киритди. Сўнгги уч йилда рейтинг бўйича Ўзбекистонда биринчи ўринни эгаллаб келаётган Бочаров, куни кеча Тошкент вилоятида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 175 км масофада ўтказилган пойгада мутлақ ғолиб бўлди.

Ушбу йўлланма Париж-2024 Олимпия ва Паралимпия ўйинларига фарғоналик спортчилар қўлга киритган 20-лицензия бўлди. (Олимпия ўйинларига 11 та ҳамда Паралимпия ўйинларига 9 та).

Лазизбек Мулложонов, Асадхўжа Мўйдинхўжаев ва Навбаҳор Ҳамидова (барчаси бокс), Зиёдахон Абдусатторова (камондан отиш), Расулжон Абдураҳимов, Ҳабибулло Эргашев (иккаласи спорт гимнастикаси), Дмитрий Бочаров (велоспорт), Ҳамидулло Абдунабиев, Муҳаммадқодир Ҳамралиев, Диёр Холматов, Отабек Жўрақўзиев (барчаси футбол ), Моҳигул Ҳамдамова, Ёрқинбек Одилов, Дилафруз Аҳмадхонова (барчаси пара енгил атлетика), Азизбек Абдулҳабибов, Иродахон Рустамова (иккаласи пара каноэда эшкак эшиш), Зиёда Исақова (пара таэквондо), Шаҳноза Мамажонова (пара ўқ отиш, 10 ва 50 метрда иккита йўлланма) ва Ақидахон Ахтамова (пара пауэрлифтинг) Париж-2024 Олимпия ва Паралимпия ўйинларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2024-06-29 11:32:13